



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2025-yil 26-avgust, seshanba,
97 (24.123)-son

O'zbek xalq
maqoli

Aybsiz
do'st izlagan
do'stsiz
qolar

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

VATAN UCHUN, MILLAT UCHUN, XALQ UCHUN!

Имом Бухорий меросига муносиб мажмуа



Президент Шавкат Мирзиёев 25 август куни Самарқандга ташриф буюрди. Эзгу анъанага мувофиқ, аввало, Имом Бухорий мажмуага зиёрат қилинди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги бунёдкорлик ишлари кўздан кечирди. Буюк муҳаддис бобомизга бутун ислом оламида эҳтиром билан, унинг мақбарасини кўриш истагидаги инсонлар кўп. Шу боис зиёратчиларга шароитларни кенгайтириш мақсадида бу ерда улкан мажмуа барпо этилмоқда. Зиёратгоҳнинг умумий майдони 44 гектар этиб кенгайтирилган. Мўътабар мақбара, 10 минг кишилик масжид ва маъмурият биноси қуриб битказилган. Мажмуанинг тўрт бурчагидаги 75 метрлик миноралар унга маҳобат бағишлаган. Айни пайтда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Пештоқлар ва айвон деворларига "Саҳиҳи Бухорий"дан ҳадислар битилмоқда.



Президентимиз бу мажмуа фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши кераклигини таъкидлади. Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ва камолоти бу ерга келувчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши қайд этилди. Шу мақсадда янги мажмуада инновацион музей ҳам ташкил этилмоқда. У ислом оламида муҳаддислар султони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади. Шунингдек, музейда Қуръони каримда исмлари зикр қилинган 25 та пайғамбар тарихи, Мухаммад алайҳиссаломнинг шажараси, Макка ва Мадинадаги ҳаёти, ҳадисларнинг жамланиши ва ёзилиши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилади. Зиёратгоҳ атрофида меҳмонхона ва бошқа хизмат кўрсатиш бинолари қурилиш ишлари ҳам якуний bosқичга кирган. Давлатимиз раҳбари қурилишни сифатли бажариш, одамларга қулайликларни кенгайтириш, мажмуа атрофида яшил майдонларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.



Иордания Подшоҳи Самарқандга келди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн 25 август куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Самарқанд шаҳри аэропортида Иордания Подшоҳини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат

давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди. Миллий куй-қўшиқ ва рақслардан иборат тантанали маросим бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари биргаликда қадимий Самарқанднинг тарихий обидаларини зиёрат қилдилар. Ташрифнинг асосий тадбирлари 26 август куни бўлиб ўтди.

Ў.А.

Инсултни жарроҳлик йўли билан даволаш мумкин

Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали шифокорлари томонидан юртимиз тиббиёт тизимида биринчилардан бўлиб, инсултни даволаш юзасидан янгича ёндашувлар асосида юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилди.



Филиалнинг ангиография бўлими шифокори Фаррух Қиличев раҳбарлигида тажрибали радиолог, кардиолог, невролог ва қон-томир жарроҳлари ҳамкорлигида ўтказилган жарроҳлик амалиёти давомида Жиззах вилоят Ғаллаорол туманидан инсулт ташхиси билан келган 34 ёшли А.Ж.да сунъий интеллект қўлланган ҳолда касалликни даволашнинг янгича ёндашуви амалга оширилди. Беморда замонавий ангиография усқуналар орқали юқори сифатли тасвир олиниб, минимал инвазив йўл орқали бош миён қон томирларидаги тромблар очилиб, узоқ муддатли даволашнинг олди олинди. Ҳозирги вақт-

Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан 22–23 август кунлари "Обод ва файли маҳалла — юрт кўрки" шиори остида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари вилоятимиздаги 1081 та маҳаллада ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Ҳашарда ҳар бир маҳаллада биттадан уй таъмирланди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармасининг маълумотларига кўра, икки кун давомида маҳаллалардаги 29450 та кўча ободонлаштирилди, 1569 та қабристон ва 257 та зиёратгоҳ тартибга келтирилди, 1982 тонна майши чикинди олиб чиқилди. Ҳашар давомида халқимизга хос меҳр-муруват, бағрикенглик кўрсатилиб, 6846 нафар бokuвчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олинди, уларнинг уй-жойлари тартибга келтирилди, — дейди бошқарма масъул ходими Юсуф Салимов. — Умуман, мустақиллик байрами олдида вилоятимиздаги ҳар бир маҳалладан биттадан, жами 1081 та кам таъминланган оиланинг хонадони маҳаллалар раислари бошчилигида ҳомийлар ва ташаббускорлар томонидан таъмирланаётган эди, ҳашар кунлари бу ишлар якунига етказилди. Жумладан, Тойлоқ тумани Чароғбон маҳалласидаги кам таъминланган фуқаро М.Пардаевнинг 4 хонали уйи таъмирланган бўлса, Нуробод тумани Улус маҳалласида яшовчи, ногиронлиги бўлган И.Бутуновнинг хонадонига "Маҳалла" жамғармаси маблағи ҳисобидан 5 кВт.ли қуёш панели ўрнатилди. Ўтказилган ҳашар тадбирлари доирасида ҳомийлар ва ташаббускорлар томонидан 57,1 километр ички йўллар асфальтлаштирилди, 312 километр шағаллаштирилди, 8,8 километр пидедалар йўлаги барпо этилди. 187 та трансформатор таъмирланди, 843 та темир-бетон устун ва 449 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

А.ХУДОЁРОВ.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 23 августдаги фармонига кўра, Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ» фахрий унвони билан
Икромова Таҳмина Изатуллоевна — Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси.

«ДЎСТЛИК» ордени билан
Барашева Светлана Мухтаровна — Самарқанд вилояти рус драма театри олий тоифали артисти.
Бегматов Хайриддин Холиқуллович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи.

«СОҒЛОМ ТУРМУШ» медаллари билан
Сафарова Гулжаҳон Сафаровна — Оқдарё туманидаги "Узун" оилавий шифокорлик пункти мудири.

«ШУҲРАТ» медаллари билан
Бахромова Дилноза Эшмирзаевна — Яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби парадзюдо бўйича мураббийи.
Ғайбуллаев Ғулум Сайдалимович — Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтининг агробиология факультети декани.
Тугалов Ботир Бахромович — вилояти мусикали драма театри директори.

Давлатимиз раҳбарининг 24 август куни қабул қилинган "Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонида кўра, вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори **Зиятов Асамиддин Холмунинович** "СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" медаллари билан мукофотланди.

Президентимизнинг шу йил 25 августдаги фармони билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи мукофотланди. Мукофотланганлар орасида Самарқанддан қуйидагилар бор:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМИ» фахрий унвони билан
Халилов Насриддин — Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг ўсимликшунослик ва ем-хашак етиштириш кафедраси мудири.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТАДБИРКОР» фахрий унвони билан
Саидмуратов Ўқтам — Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» масъулияти чекланган жамияти раиси.

«ДЎСТЛИК» ордени билан
Санаев Исмат Санаевич — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Пахтачи тумани кенгаши раиси.

«ЖАСОРАТ» медаллари билан
Сафаров Музаффар Шавкатович — Нарпай туманидаги майши техникаларни таъмирлаш устаси.

«ШУҲРАТ» медаллари билан (100 ёшдан ошганлар)
Гаданова Хатича — Нарпай тумани.

«ШУҲРАТ» медаллари билан
Абдухакимова Гулфуза Абдурахмановна — Паст Дарғом туманидаги «Буюк Турон» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли.
Мусурманова Шоира Акбоевна — Булунғур туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини комплекси ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими.
Нуруллаев Зафар Деҳқонович — Самарқанд шаҳри ободонлаштириш бошқармасининг Сиеб худуди бошлиғи.
Ризаев Фазлиддин Исмоилович — Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти бош технологи.

Фаол фермерлар рағбатлантирилади

Самарқанд шаҳрида фермер хўжаликларига кўп тармоқли фаолиятни ривожлантириш муаммолари ва вазифалари мавзусида амалий конференция ўтказилди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳиссасини кўшиб келаётган илғор фермерларни рағбатлантириш ҳамда соҳадаги мавжуд муаммолар ва тақлифларни эшитиш мақсадида ташкил этилган конференцияда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи А.Бобоев ва Республика фермерлар кенгаши раиси А.Ҳайитов иштирок этди. Кейинги йилларда иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари келтириб чиқараётган муаммолар ва дунёдаги беқарор геосиёсий вазият ҳар бир давлат олдида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишдек масъулиятли вазифаларни қўймоқда, — дейди Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси Ақтам Ҳайитов. — Айни пайтда аҳолининг сифатли қишлоқ хўжалиги ва

озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ошиб бормоқда. Шунинг учун деҳқон-фермерларимиз томонидан жорий йилда 9 миллион тонна дон, 16 миллион тоннадан зиёд полиз-сабзавот, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 15 миллион тоннадан кўп гўш ва сўт етиштирилмоқда. Кейинги уч йилда маҳсулот етиштирувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 дан ортиқ янги субсидия турлари жорий этилди. Бунинг натижасида ҳар гектар ердан олинандиган ҳосилни янада кўпайтириш, пахтадан 55-60 центнер, ғалладан 80-100 центнер ҳосилдорликка эришиш, шу орқали даромаднинг 1,5-2 баробар ошириш, янги иш жойлари яратишимиз лозим. Конференция давомида вилоятимизда фаолият юритаётган фаол фермерларга "Илғор фермер" кўкрак нишони ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши томонидан соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш ва соғлигини тиклаш учун йўланмалар тақдим этилди.

ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Қурилишдаги қинғирликлар

инспекция назорати остида бартараф этилмоқда

Бугун нима кўп – қурилиш кўп. Исталган шаҳар ва қишлоққа боринг, янги қурилаётган, таъмирланаётган бино ва иншоотларни кўрасиз. Қувонасиз-а? Янги уйлар, равон йўллар, янги мактаб ва боғчалар, шифо масканлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, йирик завод ва ишлаб чиқариш корхоналари – барча-барчаси юрт ободлигидан нишона, одамлар учун қулай, юқори даражадаги турмуш шароити яратилаётганидан далолат.

Аммо баъзида қурилиш объектларида "мендан кетгунча эгасига етгунча" кабилида иш тугилаётгани, давлат томонидан ажратилаётган катта-катта маблағ мақсадсиз ишлатилаётганини кўриб, хафсалангиз пир бўлади.

Вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекциясининг жорий йил олти ойидаги фаолиятига назар ташлаб, улар томонидан ўтказилган назорат ва мониторинг тадбирларида бир қатор шундай ҳолатлар қайд этилганини кўрдик.

Масалан, Ургут тумани Камонгарон кўчасида қурилаётган савдо комплекси биноси котлован нишаблиги қурилиш меъёрларига эид бажарилган. Паст Даргом тумани Чортут маҳалласида барпо этилаётган кўп қаватли бинога олиб келинган бетон плиталарнинг сифати белгиланган талабларга мос эмас. Окдарё тумани Бошдархон маҳалласида қурилаётган мактаб биносининг хоналар ора деворлари белгиланган талабларга эид равишда лой-тупроқ қоришма билан терилган. Булуңғур тумани Олмазор маҳалласидаги "Янги Ўзбекистон" массивида 300 ўринли янги мактаб биноси ҳамда 12x24 ўлчамдаги спорт зали пойдевори қурилишида бир қатор камчиликлар аниқланган.

Қурилишларда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан қурилиш ташкилоти масъулларига тушунча берилиб, аниқланган нуқсонлар жойида бартараф этилган.

Инспекция томонидан ҳозирда вилоятимиздаги 2925 та қурилиш объектига назорат ишлари олиб борилмоқда. Йилнинг биринчи ярмида мазкур объектларда 18214 маротаба мониторинг ўтказилди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қурилишга масъулларга 10301 та ёзма кўрсатмалар берилди. Қурилиш объектларида қўлланилган сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлари юзасидан 36 та ташкилотта тақдимномалар киритилди.

524 ҳолатда эса сифатсиз қурилиш-монтаж ишлари буздирилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан 544 ҳолатда инспекция ваколати доирасида маъмурий жарималар расмийлаштирилди. Лойиҳалаштиришда камчиликларга йўл қўйилгани учун 4 та масъул ташкилотнинг лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларини бекор қилиш бўйича тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилди.

Бундан ташқари, кўп квартиралар уй-жой фондини бошқариш борасидаги ишлар ҳам мунтазам ўрганиб борилмоқда. Йил бошидан буён вилоятда мавжуд 2650 та кўп квартиралар уйининг 1393 таси техник ҳолати ўрганилганда 197 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга ёзма кўрсатмалар берилди.

Мисол учун, Самарқанд шаҳар Катта ариқ маҳалласида жойлашган кўп қаватли тураржой биносининг ички таянч ва тўсиқ конструкциясига шикаст етказган ҳолда фуқаро томонидан ноқонуний тарзда эшик очилганлиги аниқланди. Бу фуқарога нисбатан 7,5 миллион сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланилиб, нуқсон ихтёрий равишда бартараф қилинган.

Кўп қаватли уйларда аниқланган шу каби 124 та ҳуқуқбузарлик бартараф этилиб, 13 та ҳолат бўйича судларга даъво аризалари киритилди.

Қурилишдаги камчилик ва нуқсонлар ҳали бино, иншоот қурилаётган пайтда аниқланиб, бартараф этилгани яхши, албатта. Аммо бундай камчиликлар инспекция назорати ёки буюртмачи этиборидан четда қолиб кетса нима бўлади? Бундай ҳолатлар учрамайди, деб айта оламизми? Афсуски, бунга ҳеч ким кафолат бера олмайди. Буёғи қурувчининг, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчининг зиммасидаги масъулиятни қай даражада ҳис қилишига, виждонига боғлиқми?

Ғолиб ҲАСАНОВ.

2025 йил 27 январда Президентимизнинг "Уй-жой қурилиш соҳасини янада ривожлантириш, турар ва нотураржой объектларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинган. Ушбу фармон турар ва нотураржой объектларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солишга қаратилган аниқ механизмларни белгилаб берди.

Бунда аввало, улушли қурилиш иштирокчилари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари нимогона қилиш, уй-жойларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини ҳамда ипотека кредити асосида сотиб олишнинг ишончли ва самарали имкониятлари яратилди. Энди қурилишга улуш киритиш фақат нотариал тасдиқланган ва кадастр органларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома асосида амалга оширилади.

Ушбу фармонга асосан, жорий йил 1 июлидан қурувчи ва мижоз ўртасидаги улуш киритиш шартномалари мажбурий тартибда нотариусда тасдиқланиши ва кадастр рўйхатидан ўтказилиши шарт. Бунда шартнома кадастр органларида рўйхатдан ўтказилганда, улушдорда, яъни сотиб олувчида талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келади.

Яъни, шу санадан эътиборан қурилишда янги механизм - "Эскроу" тизими жорий этилди. Бу тизим улушдор, яъни уй-жой сотиб олиш истагидаги харидорнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоялаб, тўлов пуллари ишончли сақланишини кафолатлайди.

Эскроу тизими - қурувчи ва харидор ўртасидаги олди-сотдининг янги ҳақиқат. Эндиликда ҳали битманган уйдан квартира сотиб ололмқчи бўлган фуқаро ўша уйга ўз маблағларини тикиш ҳариди улушдорга айланади. Бунинг учун қурувчи, яъни девелопернинг ўзига

ЭСКРОУ

қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлайди



эмас, банкка тўлов қилади. Улушдорнинг тўлаган пуллари алоҳида эскроу ҳисоб вақфида йиғилиб борилади. Уй битмагунча қурувчи компания бу пуллардан фойдалана олмайди. Тураржойни эса ўз маблағлари ёки банк кредити асосида қуриб биткази.

Улушли шартнома орқали девелопер кўрсатилган уйни қуриб, ўз вақтида топшириш мажбуриятини олади. Банк эса улушдорнинг пул маблағлари эскроу ҳисоб вақфида йиғилиши, хавфсиз сақланиши, шунингдек, уй-жой қурилишини лойиҳавий молиялаштириши ва бу билан уй-жойни ўз вақтида сифатли қуриб, эгасига еткази беришни кафолатлайди.

Эскроу тизими доирасида "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида уй-жойлар қурилиши бўйича ягона шаффоф электрон платформа яратилди ва ушбу тизим 2025 йил 1 июлдан ишга туширилди. Девелоперлар уй-жойни шу платформада рўйхатга қўймасдан, аҳоли маблағларини улуш киритиш асосида жалб қила олмайди.

Девелопер объектни платформага киритгач, банк томонидан уйни ўз вақтида қура олиш имконияти ўрганилади. Қурилиш жараёнида ишнинг бажарилиш графиги назорат қилиб борилади. Лойиҳавий молиялаштиришдан қўзланган мақсад ҳам шу.

Электрон платформада қурувчи компания ва объ-

ект ҳақидаги барча маълумотлар, хусусан, объектнинг лойиҳа бўйича жойлашган аниқ манзили, қаватлари, кириш йўлаклари, қолаверса, компаниянинг лойиҳавий ҳужжатлари, ижобий экспертиза хулосаси, қурилиш бошланган сана ва фойдаланишга топшириш муддати каби маълумотлар жамлаб борилади. Бу ахборотларни харидорлар ҳам платформада кузатиб боришлари мумкин. Яъни, қурувчи рухсатномасининг мавжудлиги, рейтингини ва олдинги лойиҳалари ҳақида билиб олишлари мумкин бўлади. Қурилиш жараёнининг платформа орқали шаффоф кузатиб борилиши ўз навбатида уй-жой қурилиши бозоридаги инвестициялар хавфсизлиги ва ишончли девелоперлар бозорининг шаклланишига хизмат қилади. Шу асосда мамлакатимизда девелопер-қурувчиларнинг янги шаффоф рейтинг тизими шаклланади.

Қурилиш битиб, харидор хонадонни қабул қилгач, унинг банк ҳисобварағидаги пуллари девелопер ташкилотга йўналтирилади. Қурувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда бу пул фуқарога тўлиқ миқдорда қайтариб берилади. Яъни, уй битмай қолса, харидор қуйиб қолмайди, банкка қўйган пуллари ни муаммосиз қайтариб олади.

Шундай қилиб, жорий йилнинг 1 июлидан улуш киритиш асосидаги қурилишларда қурувчи ва харидор ўртасидаги олди-сотдининг шакли ва заммуни ўзгарди. Мазкур тартиб йил охиригача ихтиёрий бўлади, 2026 йил 1 январдан эса қурилишда маблағларини жалб қилиш фақат эскроу ҳисобварағи орқали амалга оширилади. Шу тарзда янги қурилаётган уйларни белгиланган муддатларга эгаларига топшириш ва аҳоли тўлаган пуллари ни музлаб қолмаслиги тўлиқ янги тизим назоратига ўтади.

Сарвар БОБОНАЗАРОВ,
вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

"Ўзбекистон – 2030"



Овчилар маҳоратини оширишга шароит зарур

"Юксалиш" ҳаракати вилоят бўлини ташаббуси билан ЎзННТМА вилоят ҳудудий бўлини ҳамда Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш бўйича вилоят жамоатчилик гуруҳи аъзолари вилоятда ўқ отиш спортини ривожлантириш борасидаги ишларни ўрганди.

Жамоатчилик гуруҳи дастлаб Марказий ҳарбий округга қарашли Каттакўрғон ҳарбий полигонига бўлиб, овчиларнинг машғул ўтказиши учун махсус жой ажратилмаганлигига эътибор қаратишди. Полигонда овчиларнинг муқобил машғул ўтказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган. Шунингдек, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда мудофаа вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида тузилган меморандумга асосан, вилоятда ўқ отиш спортини ихтисослаштирилган янги махсус полигонларни ташкил этиш учун зарур бўлган ер майдони ажратилмаган.

Нуробод туманидаги "Сазағон" ҳарбий полигонига ер майдони ажратилган бўлишига қарамасдан, янги полигон махсус жиҳозланмаган, молиялаштириш ишлари охирига етказилмаганлиги сабабли ханузгача фойдаланишга топширилмаган.

Нодир ҚУДРАТОВ,
"Юксалиш" ҳаракати вилоят бўлини бош мутахассиси.

Viloyatimizda joriy yilning birinchi yarmida yoshlar o'rtasida 494 ta jinoyat sodir etilgan bo'lib, o'tgan yilning mos davriga nisbatan 9,1 foizga oshgan. Samarqand shahrida 101 ta, Past Darg'omda 71 ta, Urgutda 45 ta, Payariqda 32 ta, Kattaqo'rg'on tumanida 30 ta, Narpayda 27 ta, Ishtixonda 26 ta, Nurobod, Oqdaryo hamda Toyloqda 23 tadan jinoyat sodir etilganligi sababli ushbu hududlar krimonogen hudud bo'lib qolmoqda.

Qatorterdagi jinoyatlar sababi nimada?



Sodir etilayotgan jinoyatlarning sabablari, huquqbuzarliklarning oldini olish borasida hududlarda amalga oshirilayotgan ishlar bilan tanishish maqsadida ayrim mahallalarda bo'ldik.

Past Darg'om tumani Qatorterek mahallasida yilning o'tgan davrida 10 ta jinoyat sodir etilgan bo'lib, ularning 4 tasi yoshlar o'rtasidagi huquqbuzarlikdir.

- Bunga bir necha sabablar bor, - deydi mahalla raisi Otabek Rustamov. - Mahallamizda buyum bozori, dehqon bozori va taxta bozori joylashgan. Shuningdek, "Afg'on bozori" nomi bilan ataluvchi, tadbirkorlar o'zboshimchalik bilan egallab olgan joy bor edi. Aprel oyida uning faoliyati to'xtatildi. Bozor hududi va ko'chalarga 120 ta kamera o'rnatildi. May oyidan boshlab mahallada bironta jinoyat sodir etilmadi.

- Hududimizda yil boshidan beri yoshlar o'rtasida 4 ta jinoyat sodir qilindi, - deydi mahalla yoshlar yetakchisi Abdumalik Qovondiqov. - 2 tasi o'g'irlik, biri bezorilik, biri yo'l transport hodisasi. Ammo bu huquqbuzarliklarda mahallamiz yoshlari ishtirok etmagan. Barchasi boshqa mahalla fuqarolari tomonidan sodir etilgan. Ana shunday ko'ngilsizliklarning takrorlanmasligi uchun qo'shni mahalla yoshlari bilan

hamkorlikda ishlayapmiz. "Qalqon" guruhlari tashkil qilinib, tungi reytd tadbirlari o'tkazib kelinyapti.

Mahallada sodir etilayotgan jinoyatlar ko'pligi sababli hudud "qizil" toifada.

- O'tgan yilning 6 oyida hudud-da 12 ta jinoyat bo'lgan, - deydi mahalla profilaktika inspektori Sirojiddin Saidmurodov. - Joriy yilning yarmida esa 10 ta jinoyat sodir etilib, 2 taga kamaydi, ammo bu bilan maqtan olmaymiz, albatta. Mahalla "qizil" toifada bo'lgani uchun hududga huquq - tartibot maskani tashkil etildi. U Qatorterek va uning atrofidagi Kichiknayanman, Temurxo'ja hamda Yangiqobod mahallalari uchun xizmat qiladi. Ya'ni, hududga biriktirilgan ichki ishlar organlari xodimlari, profilaktika inspektorlari birlashib, mahallalarda jinoyatchilikning oldini olish bo'yicha ish olib boramiz.

Samarqand shahridagi Qorasuv massivida 4 ta mahalla mavjud. Ularning biri Bahodir Yalangto'sh mahallasida 4 ta jinoyat yoshlar tomonidan sodir etilgan. Aslida esa vaziyat sal boshqacharoq ekan. - Sodir etilgan jinoyatlarining aksariyati qo'shni mahallalar hududida bo'lgan, - deydi mahalla raisi Akbar Nurmurodov. - Mas'ullarning e'tiborsizligi sabab bu jinoyatlar Bahodir Yalangto'sh mahallasida,

deya qog'ozga tushirilgan. Mahallamizda birgina jinoyat sodir etilgan, u ham bo'lsa boshqa hudud, ya'ni Oqdaryo tumani fuqarolari ishtirokida bo'lgan. Aslida massivimizdagi barcha mahallaning tashvishidni bizniki emas, deb ayto olmaymiz, lekin ko'pgina tushunmovchiliklar, mas'ullarning yo'xatga olishda qilgan xatolari tufayli kimningdir o'rninga boshqa biron jabrlanaypti, zarar ko'ryapti. Kadastar hujjatlarini rasmiylashtirishdayam soha mas'ullari, qurilish tashkilotlari vakillari e'tiborsizlik qilaypti. Bir mahallada qurilgan ko'p qavatli uyning manzili boshqa bir mahallada joylashgan deb ko'rsatilyapti.

Ha, to'rt mahallani o'z ichiga olgan yangi shaharchaning qay bir hududiga bormang, huquqbuzarlik sodir etilishi mumkin bo'lgan holatlar-ga guvoh bo'lasiz. Masalan, 80-maktabga eltuvchi ayrim ko'chalarda piyodalar uchun yo'laklar yo'q. Borlari ham yaroqsiz, odamlar emir-erkin yurolmaydi. Ichki yo'larni qo'ya turaylik, shaharchaning markaziy ko'chalari ham avtomobillar harakatlani-shi uchun noqulay. Massivida yashovchi aholi kechki payt dam olish uchun "Yangi O'zbekiston" bog'iga boradi. Afsuski, bog'ga o'rnatilgan chiroqlarning hech biri yoritish uchun xizmat qilmaypti. Qorong'i bog'da, chiroqsiz va yaroqsiz yo'llarda huquqbuzarlik sodir etilmaydi, deb kim kafolat bera oladi?

- Mahallamizda 300 dan ziyod videokamera o'rnatilgan, - deydi A.Nurmurodov. - Hududimizda ko'p qavatli uylar soni ko'pligi, aholi zich joylashgani uchun ham bu yetarli emas. Shuning uchun yana 55 ta kamera o'rnatish rejalashtirilgan. Shuningdek, qorong'i hududlarimizni yoritish choralari ko'riylaypti. Guvohi bo'lganingizdek, bir hududga sodir etilayotgan jinoyat birgina mahallaga tegishli emas. Bunda barcha mas'ul tashkilotlar, ota-onalar, keng jamoatchilik vakillari vijdonan, bir yoqadan bosh chiqarib ishlamas ekan, ijobiy natijaga erishib bo'lmaydi.

To'liq SIDDIQOV,
Baxtiyor MUSTANOV (surat).

Депутат минбари



Масъуллар масъулиятини унутса...

Сайлов округимда охириги марта жорий йил 1 июль куни Лолазор маҳалласида сайёр қабул ташкил қилдим. Қабул жараёнида йўл қурилиши, имтиёзли тиббий хизмат, коммунал соҳаларга доир ўндан зиёд мурожаат тўшди.

Барча мурожаатлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Аниқроғи, ижро органлари мутасаддилари билан муаммолар ечими бўйича иш олиб бораёلمиз. Аммо сайловчиларим кўтарган айрим масалалар борки, улар бўйича нима дейишга ҳам ҳайронман.

Жумладан, Навбахор, Нуробод, Ҳамид Олимжон маҳаллалари аҳолиси томонидан Яхё Ғуломов ва Лев Толстой кўчаларида жамоат транспорти хизмати йўқ. Ушбу йўналишда автобус йўлга қўйиш юзасидан вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи номига депутат сўрови юборганман.

Тошкент кимё халқаро университети Самарқанд филиали раҳбарияти таълим муассасаси жойлашган Аҳмад Яссавий маҳалласи Ҳабиб Абдуллаев кўчасида йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолати жуда оғир эканлиги, тегишли йўл белгиларига эҳтиёж мавжудлиги, ҳайдовчилар тезлик меъёрларига умуман риоя этмаётганлиги

юзасидан шикоят қилган.

Мингтут маҳалласида жойлашган "Ал-Хоразмий" хусусий мактаби олдида ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлдан ўтиш учун пиёдалар йўлағи ва тегишли йўл белгисига эҳтиёж бор.

Ушбу масалалар юзасидан Самарқанд шаҳар ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғига депутат сўрови юборганман.

Шунингдек, Лолазор маҳалласида жойлашган Жўра Зокиров кўчасидаги эски чашма (булоқ)ни маданий мерос рўйхатига киритишни сўраб вилоят маданий мерос бошқармасига сўров чиқарганман.

Афсуски, қайд қилинган депутатлик сўровларимда келтирилган муаммолар ханузгача ечим топмади.

Ғазлиддин ҒАЙБУЛЛАЕВ,
халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати.



**O'ZBEKISTON KASABA
UYUSHMALARI
FEDERATSIYASINING
SAMARQAND VILOYATI
KENGASHI**

*viloyatimiz ahli va mehmonlarini
istiqlolimizning*

34 YILLIGI

bilan muborakbod etadi!



Qutlovlar

**“URGUT SAVDO
KOMPLEKSI”
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI JAMOASI**

Xalqimizni

**MUSTAQILLIK
KUNI**

bilan tabriklaydi!



Чўл ва ярим чўл яйловларида ҳосилдорликни ошириш мумкин(ми?)

Чўл яйлов чорвачилигининг асосий озуқа манбаи ва улардан деярли йил давомида фойдаланилади. Бундай яйловлар вилоятимизда 700 минг гектардан ортиқ майдонни ташкил қилади. Масалан, Нуробод туманининг аксарият қисмини эгаллаган Қарнабчўл яйлов чорвачилиги ривожланган йирик ҳудудлардан бири ҳисобланади. Қарнабчўл яйловларининг ўсимлик қоплами асосан шувоқ-эфемерли ўсимлигидан ташкил топган бўлиб, ҳосилдорлиги нисбатан паст, гектаридан ўртача 2,5-3 центнер қуруқ массани ташкил қилади. Қўрғоқчил йилларда эса ҳосилдорлик 2-3 мартаба пасайиб кетади.

Яйловлардан узлуксиз фойдаланиш натижасида ҳозирги кунда катта майдонларда яйлов инкирози юзага келган. Бунинг натижасида яйловларнинг ўсимлик қоплами сийрақлашиб, ҳосилдорлиги ва яйлов озуқаси тўйимлилик даражаси пасайиб бормоқда. Бундай ҳолат бутун республикамизда фойдаланиб келинаётган яйловларда юз бермоқда. Ҳозирги кунда қарийб 9 миллион гектар яйловда ҳосилдорлик гектарига 20 фоизга, 5 миллион гектарда 30 фоизга, 2 миллион гектарда 40 фоиз ва ундан ортиққа пасайган.

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида чўл яйловларидан рационал фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, табиий флорадан чўл минтақасининг экстремал шароитлари-га бардошли, қимматли озуқавий хусусиятларга эга бўлган ўсимлик турларини излаб топиш йўналишларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, институтида чўл озуқабоп ўсимликлари интродукцияси, селекцияси ва уруғчилиги йўналишларида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Қимматли озуқабоп ўсимлик турларидан бўлган изен, терескен, куйровуқ, камфоросма, чўғон, эрак ўт, оқ ва қора саксувуллар сингари ўсимлик турларининг 1200 намунасида иборат тирик генофонди сақланиб келинмоқда. Уларнинг экологик-биологик, ҳўжалиқбоп хусусиятларини қиёсий ўрганиш натижасида Ўзбекистон чўлларининг турли тупроқ ва иқлим шароитларида ўсишга ва юқори ҳосил тўплашга мослашган қатор маҳаллий навларини яратишга эришилди.

Кейинги йилларда интродукцион тадқиқотларда хорж мамлакатларда тарқалган қўрғоқчиликка, тупроқ шўрланишига чидамли, юқори озуқавий хусусиятларга эга бўлган кўп йиллик озуқабоп ўсимликлар ҳам ўрганилмоқда.

Институт томонидан чўл озуқабоп ўсимликлари билан узоқ йиллар давомида олиб борилаётган интродукцион ва селекция ишлари натижасида чўл яйловлари ҳосилдорлигини бир неча баробар ошириш имконини берувчи қимматли озуқабоп ўсимлик турларининг 15 дан ортиқ истиқболли маҳаллий навлари яратилди. Улар Ўзбекистон Республикасида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалиқ экинлари навлари давлат реестрига киритилган. Ушбу навлар Қарнабчўл яйловлари ҳосилдорлигини 10-12 мартабага ошириш имконини беради.

Масалан, қора саксувулнинг Нуртуя нави узоқ вегетация даврига эга бўлган ва яйловда 60-90 йилгача умр кўрадиган ўсимлик. Қора саксувул одатда қум тепалиқлар қаторлари орасидаги водий-симон паст текисликларда, эски дарё ва сойлар ўзаниларида, нисба-



тан ер ости сувлари яқин жойлашган ҳудудларда ўсади ва илдири ер ости сувларигача етиб боради.

Терескеннинг истиқболли “Тўлқин” нави яратилиб, Ўзбекистон ва Россия чўл минтақаларида етиштириш учун районлаштирилган. Бундай ўсимликлар сирасига Камфоросманинг “Соғдиана”, Чўғоннинг “Жайхун”, эрак ўтнинг “Ишонч”, Астрагалнинг “Оқтоғ” навларини ҳам киритиш мумкин.

Институтимизда яратилган истиқболли навлар иштирокида чўл ҳудудларида юқори ҳосилли кўп компонентли яйлов агрофитоценозларини яратиш технологиялари ишлаб чиқилган. Ушбу технологияларга асосланиб яратилган яйлов агрофитоценозларининг ҳосилдорлиги гектаридан 15-25 центнерни ташкил қилади.

Бундай агрофитоценозлар кўзги-қишки мавсумларда чорва ҳайвонларини яйловда тўйимли озиқлантириш имконини беради.

Умуман, вилоятда чўл ва ярим чўл яйловлари ҳосилдорлигини кескин оширишнинг илмий асосланган ва тажрибада синиб кўрилган имкониятлари мавжуд. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва чўл ҳудудларида яшаб келаётган халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш мумкин.

А.РАБИМОВ,
Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти бўлим мудир.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

DA'VOLAR BO'LSA...

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Jo'rayev Kamoliddin Muhiddinovich notarial idorasida marhum Maxmudova Jamila Gulamovnaga (2014-yil 14-martda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Jo'rayev Kamoliddin Muhiddinovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri O'zbekiston ko'chasi, 35-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Isoqulova Nigora Turdiqulovna notarial idorasida marhum Glushko Sergey Ivanovichga (2025-yil 5-fevralda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Isoqulova Nigora Turdiqulovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abu Rayhon Beruniy ko'chasi, 12-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Azimova Kamola Hamzayevna notarial idorasida marhum Muratov Xudoynazar Bozorovichga (2024-yil 26-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Azimova Kamola Hamzayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Buyuk Ipak yo'li ko'chasi, 18-uy, 51-xona.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Muhammadiyev Farhod Jo'raqulovich notarial idorasida marhum Muhammadiyev Yuldosh Pardaboyevichga (2021-yil 23-fevralda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Muhammadiyev Farhod Jo'raqulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqlol ko'chasi, 73-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Azimova Kamola Hamzayevna notarial idorasida marhum Fazilov Musin Muminovichga (2024-yil 2-fevralda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Azimova Kamola Hamzayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Buyuk Ipak yo'li ko'chasi, 18-uy, 51-xona.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Nishonova Umida Ismatillayevna notarial idorasida marhum Pulatov Xamit Kudratovichga (2025-yil 27-fevralda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Nishonova Umida Ismatillayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Rudakiy ko'chasi, 132-uy, 2-xona.

Jomboy tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Mamatqulov Otabek Bolbekovich notarial idorasida marhum Ortikov Baxriddin Anarbeyevichga (2024-yil 5-aprelda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Mamatqulov Otabek Bolbekovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Jomboy tumani Saroy ko'chasi, 15-uy.

TOPGANGA MUKOFOT

Turakulov Murodillo Abduikromovichning O'zbekiston Respublikasi shaxs guvohnomasi (2023-yil 28-martda berilgan, AD 2884547) Samarqand tumani hududida tushurib qoldirilgan. Ushbu guvohnomani topganlardan mukofot evaziga qaytarishlarini so'raymiz.

Telefon: +99891-228-10-60.

BEKOR QILINADI

Samarqand shahridagi Buronov Azizbek Ulug'bekovich yakka tartibdagi tadbirkorining (JSHSHIR: 52805006180054) dumaloq muhri va burchak tamg'asi yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

O'ttiz mamlakat triatlonchilari Samarqandda bellashdi

23-24-avgust kunlari Samarqandda triatlon bo'yicha «Challenge Samarkand-2025» xalqaro musobaqasi bo'lib o'tdi.

O'zbekiston triatlon federatsiyasi, Sport vazirligi, Milliy olimpiya qo'mitasi, viloyat hokimligi hamda boshqa hamkor tashkilotlar ko'magida tashkil etilgan nufuzli sport turnirida o'ttizdan ortiq mamlakatdan ikki ming nafardan ziyod triatlonchi mahoratini ko'rsatdi.



Musobaqani sprint yo'nalishida havaskor triatlonchilar boshlab berdi. Ishtirokchilar yakkalik va jamoaviy bosqichda 750 metrga suzish, 19 kilometr masofaga velepoyga, 5 kilometruga yugurish bahslarida bellashdi.

Shundan so'ng bolalar va ayollar poygasi tashkil etildi. Bolalar marafonida 300 nafar bola yosh toifasida 200 metrdan 1000 metrgacha masofani bosib o'tdi. 100 nafarga yaqin havaskor xotin-qizlar esa 5 kilometruga yugurdi.

Kunning ikkinchi yarmida triatlon bo'yicha O'zbekiston chempionati bo'lib o'tdi. Mamlakat birinchiligidagi ishtirokchilar "Elite" toifasida 1,9 kilometr suzish, 86 kilometr velepoyga, 21,5 kilometr yugurish, "Sprint" yo'nalishida esa 750 metrga suzish, 19 kilometr velepoyga va 5 kilometruga yugurish bahslarida mahoratini ko'rsatdi.

Erkaklar o'rtasida Sulton Aliyev, ayollar bahsida samarqandlik Alina Hakimova finishga birinchi bo'lib yetib keldi. "Sprint" yo'nalishida Azizillo Abdulhodiey marra chizig'ini birinchi bo'lib bosib o'tgan bo'lsa, ayollar o'rtasida Shahribonu Absalimovaga teng keladigani topilmadi.

24-avgust kuni turnirning asosiy bahslarida pro-

fessional va havaskor triatlonchilar o'rta masofaga - 1,9 kilometr suzish, 86 kilometr velepoyga, 21,5 kilometr yugurish bo'yicha kuch sinashdi. Ishtirokchilar "Silk Road Samarkand" xalqaro turizm markazi hududi, eshkak eshish kanali, shuningdek, "Boqiy shahar" majmuasi va Samarqand shahrining tarixiy maskanlari bo'ylab belgilangan masofalarni bosib o'tdi.

Natijalarga ko'ra, professional sportchilar bahsida erkaklar musobaqasida Buyuk britaniyalik sportchi Vill Draper, ayollar o'rtasida ispaniyalik Sara Perez Sala g'olib bo'ldi.

O'zbekistonlik professional triatlonchilar mazkur bahslarda ishtirok etmadi.

Havaskor sportchilar o'rtasida esa yakkalik, jamoaviy va turli yosh toifasida g'oliblar aniqlandi.

Musobaqa g'olib va sovrindorlariga tashkilotchilar tomonidan pul mukofoti hamda esdalik sovg'alari topshirildi.

Marosimda O'zbekiston triatlon federatsiyasi rahbari V.Mahmudov, «Challenge family» musobaqalari bosh direktori Jort Vlam, viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi A.Boboyev ishtirok etdi.

F.FAXRIDDINOV.



Dron shou

bayram tomoshasi bo'ldi

23-avgust kuni kechki payt Samarqand shahridagi Registon maydonida O'zbekiston Respublikasi Mustaqilligining 34 yilligi munosabati bilan "Dron shou" bo'lib o'tdi. Turli rangdagi chiroqlar o'rnatilgan dronlar yordamida O'zbekiston Respublikasi davlat ramzlari, tarixiy obidalar, inson qiyofasi, meva hamda boshqa narsalarning shakllari namoyish etildi.

Shouni tomosha qilish uchun maydon hamda uning atrofidagi ko'cha va xiyobonlarga samar-

qandliklar, mahalliy va xorijlik sayyohlardan iborat 20 mingdan ziyod kishi to'plandi.

- Samarqanddagi tarixiy obidalarni ziyorat qilish uchun kelgandik, - deydi qoraqalpog'istonlik Salomat Mamadaminova. - Ikki kundan beri shahar va uning atrofidagi diqqatga sazovor joylarni tomosha qilayapmiz. Registonda tashkil etilgan "Dron shou" ham juda boshqacha bo'ldi.

To'lqin SIDDIQOV.

DOSTAVKA

Rus tilidan o'zlashgan so'z bo'lib, tovarlarni belgilangan manzilga yetkazish, eltib berish ma'nolarida keladi.

YETKAZISH

"Dostavka" so'zi umumiy ovqatlanish shoxobchalarida, savdo, ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatishda, tovar, narsa-buyumlarni yetkazish xizmatlari, reklamalarda, umuman, jonli so'zlashuvda faol qo'llanmoqda. "Yetkazish" so'zi o'zbekcha muqobil sifatida tushunchaning ma'nosini ifodalaydi.

Сўнги пайтда Самарқанд шаҳрида пештоқига «сарпо машинаси», деб ёзиб қўйилган ва юкхонаси тўрт тарафлама ойнаванд машиналар ҳаракатлана бошлади. Ушбу машиналар турмуш қураётган келин-куёвларнинг сарполарини тегишли манзилларга етказиб бериш билан шуғулланади. Албатта, яхшигина хизмат ҳақи эвазига!

Луқма



Сарпо машинаси

миллий қадриятларимизга мос келадими?



аҳли назарини қаратган ҳолда белгиланган хонадонга олиб борилади.

Бу «янги одат» халқимизнинг миллий қадриятларига мос келармикан? Албатта, йўқ. Чунки асллар мобайнида шакланган миллий-маънавий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизда бундай келин сарпосини кўз-кўз қилиш ҳамда келин кийимлари билан элга макташни удуми бўлмаган. Аксинча, момоларимизу оналаримиз келин сарполарини «кўз тегиб қолади», дея сандиққа жойлаб, ёмон ниятли кишиларнинг назари тушишидан асраган.

Бу хизмат келин бўлишлар хонадонидан фотиҳа тўйи бўлиши мўлжалланган ресторан ёки тўйхонагача келиннинг сарполарини (кейинги пайтда кўёв бўлишнинг кийим-кечаги ҳам қўшилган) олиб бориш ҳамда қайтариб келишдан иборат.

«Сарпо машинаси» келин (куёв) бўлишига аталган сарпо кийимларини юклаб олиб, маҳалла кўчасининг бошидан охиригача товуш чиқарувчи сигналларни босгани ҳолда паст тезликда юриб ўтади. Бу билан «сарпо машинаси»даги буюм ва кийим-кечак кўни-қўшига кўз-кўз қилинади ҳамда маърака манзилига етказилади. Фотиҳа тўйи тугагач, яна маҳалла



лаб, ёмон ниятли кишиларнинг назари тушишидан асраган.

Бугун эса келин сарполарини (ҳатто ички кийимларини ҳам) маҳалладошлар ва қавму қариндошларга мактаб кўрсатиш одатга айлиб бормоқда. Бу «одат» тўй қилаётган оилалар бюджетига ҳам зарар етказмоқда.

Шундай экан, маҳаллалар фаоллари келин сарпосини «сарпо машинаси»да кўз-кўз қилишнинг олдини олишлари лозим.

Йўлдош СУЮНОВ,
«Маънавият фидойиси» кўкрак
нишони соҳиби.

Мулоҳаза



Одамлар бир-бирига ёрдам бермай қўйдими?

Бир пайтлар бир ҳовуч шолени етти қўшнига улашган, бир хонадонда тўй бўлса, бошқасида ош қайнаган халқ эдик. Одамлар сўрамасдан ҳам бир-бирига ёрдам берарди. Ҳозир эса бировдан ҳол сўраш у ёқда турсин, кўриб кўрмасликка оладиганлар кўпайиб кетди.



Илгари маҳаллада бирор хонадонда тўй бўлса, олов ёқидан идиш-товуқ ювишгача ҳамма ёрдамлашарди. Уй қуриш, йўл таъмири, ариқ қазиш, ободонлаштириш ишларини ҳам барча бириктиб қиларди.

Яқинда маҳалла қабристонини ободонлаштириш учун ҳашар қилинди. Икки кун олдин эса қишлоқдошлар гуруҳига эълон берилди. Бироқ кўпчилик ҳашар куни «ишим бор», «вақтим йўқ» деб баҳона қилиб келмади. Ҳатто айримлар телефонини кўтармасликни афзал кўрди.

Кейинги пайтда ҳурмат, одамгарчилик ва одоб-ахлоқ тушунчалари унутилиб бораётгандек. Автобусга кекса онахон чиқди, ёшлардан бирига яқинроқ турди. Йигит онахонга қаради, аммо жой бериш ўрнига, атайин телефонига тикилиб тураверди. Кондуктор томонидан «Катталарга жой беринг!» деган эътироздан сўнг мажбур бўлиб жой бўшатди.

«Менга нима?», «Нима ишим бор?», деган қараш ҳам кўпайди. Велосипед ҳайдаб кетаётган бола йиқилиб тушди. Унинг тиззаси шилиниб, оғриқдан кўзларига ёш келди. Аммо ўша кўчадан ўтиб-қай-

таётган ўнлаб одамлар ҳолатни кўриб туриб, болага «яхшимисан?» демади. Ростини мен ҳам ўша йўловчилардан бириман. Хўш, биз нима учун бундай ҳолатларга одатланиб қолдик?

Биринчидан, ҳозирги кунда одамлар кундалик ҳаёт билан жуда банд: иш, даромад, бола-чақа, кредит... Бу югур-югур инсонни нафақат жисмоний, балки руҳий жиҳатдан ҳам чарчатади. Шунинг учун кўпчилик ўзи билан ўзи овора.

Иккинчидан, интернет ва ижтимоий тармоқлар одамлар ўртасида тўғридан тўғри мулоқотни, борди-келидини камайтирди. Гўёки меҳр-оқибат, бағрикенглик тушунчалари ҳақиқий ҳаётда эмас, экран орқали намоён бўлаётгандек.

Учинчидан, урф-одат ва қадриятлардан узоқлашиб бораётишимиз. Замонавий ҳаёт, «оммавий маданият» қадриятларимизга соя солмоқда. Натижада «биз» эмас, «мен» деган қараш шаклланыпти.

Тўртинчидан, одамлар бир-бирига ишонмай қўйди. Чунки кейинги вақтда кимдир ёрдам бериб, ўзи алданди ёки жавоб олмади. Натижада «мендан нимадир сўрайди», «яна алданман» каби хаёллар кўпларни узоқлаштириб юборди.

Нима қилиш керак?

Одамлар бир-бирига суянмайдиган жамият емирилади. Бефарқлик эса катта ижтимоий муаммага айланади. Инсонларда давлат ва жамиятга нисбатан ишонч йўқолади. Буларнинг олдини олиш учун эса аввало, ҳар ким ўзгаришни ўздан бошлаши лозим. Бунда биринчи навбатда оилада ва мактабдаги тарбия муҳим. Чунки фарзандларимизни «фақат ўзини ўйлаш»дан кўра «бошқалар учун керак бўлиш»га, яхшилик қилиш, ёрдам қўлини чўзишга ўргатиш керак.

Ҳурмат-эътиборга эга одамларни намуна қилиб кўрсатиш, жамиятни ўйлашга ундаш, шунингдек, қадриятларни тиклаш, ҳашар, қўшнчилик, ҳам-жихатлик, меҳмондўстлик бизни ўзга халқлардан ажратиб турадиган бойлигимиз. Уларни унутиш ўзлимизни йўқотиш эканлигини тушунтириш керак. Ўйлаб кўрайлик, агар биз ҳам «менга нима» десак, эртага ўзимиз ёрдам сўраганда бизни ким эшитади?

Фазлидин РЎЗИБОЕВ.

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 13 823 nusxada chop etildi. Buyurtma 397. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

O'.XUDOYBERDIYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



9 1772010667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda

